

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 5 2021

NORKUZIEV DADAKHON
RAKHMONJONOVICH



dnorkuziyev@inbox.ru

NAMANGAN STATE
UNIVERSITY,
HISTORY OF
UZBEKISTAN" 2ND YEAR
DOCTORAL STUDENT OF
THE MAIN DOCTORAL
STUDIES

*Problems of the agricultural sector in the ecology of the Fergana
Valley and their analysis
(on the example of the regions of the Fergana Valley)*

*Проблемы аграрного сектора в экологии Ферганской долины и их
анализ (на примере регионов Ферганской долины)*

*Фарғона водийси экологиясида аграр соҳа билан боғлиқ
муаммолар ва уларнинг таҳлили*

Resume: The article examines the environmental problems of the agricultural sector of the Fergana Valley over the years of independence, the deterioration of the land reclamation state in agriculture, soil pollution, the impact of previously used pesticides on the environment of the region. The article also describes the work done and the measures taken for the use, storage and transportation of chemicals from agricultural aerodromes.

Key words: ecology, land reclamation, mineralization, organochlorine pesticide, agricultural airfield, waterproofing, butifos, methylmerkamtafos, mineral fertilizers, groundwater.

Аннотация: В статье исследуются экологические проблемы аграрного сектора Ферганской долины за годы независимости, ухудшение мелиоративного состояния земель в сельском хозяйстве, загрязнение почв, влияние ранее использовавшихся пестицидов на окружающую среду региона. В статье также рассказывается о проделанной работе и принятых мерах по использованию, хранению и транспортировке химикатов с сельскохозяйственных аэродромов.

Ключевые слова: экология, мелиорация, минерализация, хлорорганический пестицид, сельскохозяйственный аэродром, гидроизоляция, бутифос, метильмеркамтафос, минеральные удобрения, грунтовые воды.

Аннотация: Мақолада Мустақиллик йилларида Фарғона водийсида аграр соҳа билан боғлиқ экологик муаммолар, қишлоқ хўжалигида ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашганлиги, тупрокнинг ифлоланиши, авваллари ишлатилинган пестицидларнинг минтақа атроф-муҳитига таъсирини ўрганишга ҳаракат қилинган. Мақолада шунингдек, қишлоқ хўжалиги аэродромларидан кимёвий воситаларнинг ишлатилиши, сақланши ва уларнинг ташилиши бўйича олиб борилган ишлар ва кўрилган чоралар ҳакида ҳам тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: экология, ерларнинг мелиоратив ҳолати, минерализация, хлороорганик пестицид, қишлоқ хўжалиги аэродроми, гидроизоляция, бутифос, метильмеркамтафос, минерал ўғитлар, сизот сув.

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 5 2021

- Кириш (Introduction)

Кейинги йилларда ижтимоий-иктисодий шароитнинг ўзгариши аҳоли саломатлигини шакллантириш борасида янги қонуниятнинг пайдо бўлишига олиб келди. Республикада гигиена соҳаси мутахассисларининг тадқиқотлари мухит-саломатлик қўлами йўналиши асосан экологик шароит билан боғлиқлигини қўрсатди.

Республикадаги санитария-эпидемиологик вазият таҳлили шундан далолат берадики, сўнги ўн йилда саломатлик ва аҳоли яшаш жойи билан боғлиқ мухитга доир мухим қўрсаткичлар сезиларли даражада барқарорлашди ва яхшиланди.

Республика миқиёсида дехқончилик килинаётган 535 минг гектар (13%) ерларнинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлиб, шундан 265 минг гектар (6%) ер ости сувлари сатхининг юкори, минерализация даражаси баландлиги ҳамда ерларининг шўрланиш ҳисобига тўғри келади.

- Тадқиқот методологияси (Research Methodology).

Ерларнинг мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлган майдонларга Фарғона водийси вилоятлари: Ёзёвон, Улуғнор, Жалақудук, Асака, Андижон, Марҳамат, Бўз[1], Мингбулоқ, Балиқчи, Боғдод, Бувайда, Кўштепа, Данғара[2], Поп, Чуст, Норин ва Янгиқўргон[3] туманларининг асосий ва айрим майдонлари туғри келиб, ушбу майдонларда экологик мухитни мувозанатига салбий таъсир қилиб экинларнинг ҳосилдорлигини пасайишига олиб келмоқда. Шунингдек, юқоридаги туманларнинг ушбу таъкидланган майдонларида эҳтиёжий меъёрий агротехник тадбирлар ҳам етарлича ўз вақтида ўтказилмаётганлигини, айниқса шўр ювиш ишлари сўнгги йилларда қониқарсиз холатдалигини таъкидлаш жоиз.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Фарғона вилояти Фарғона водийсининг шимолий ва ғарбий қисмига жойлашган бўлиб, майдони 7,1 минг км². Унинг тупроқлари бир-биридан фарқ қиласи, барча дехқончилик қилинадиган тупроқлари 511 минг гектар, шундан 55,6 %, яъни 284 минг гектари хайдаладиган ерлар[4], кўпчилик қисми суғориладиган ерлар, қолган қисми эса ўзлаштирилаётган қумларни ташкил этиб асосан бўз ва сахро тупроқлари тарқалган. Фарғона вилоят худудидаги суғориладиган тупроқларнинг 30 % шўрланмаган, қолган 70 % у ёки бу сабабларга кўра турли даражада шўрланган.

Тупроқларнинг ифлосланиши билан бевосита боғлиқ бўлган шаҳар аҳолиси томонидан чиқарилаётган чиқиндилар миқдори кун сайин ортиб бормоқда.Чиқарилаётган чиқиндидар фақатгина ривожланган давлатлардагина тўлиқ қайта ишланади ва заарсизлантирилади, аксарият давлатларда эса тўғридан - тўғри тупроқ қоплами устига ташланади ёки тупроқ остига кўмилади, натижада йиллар ўтиши натижасида сизот сувлари орқали тупроқларнинг ифлосланиши вужудга келади. Инсоннинг ердан нотўғри фойдаланиши ва тупроқларнинг

16Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 5 2021

кимёвий ифлосланиши натижасида катта-катта майдонларда ҳосилдор ерлар чўлга айланмоқда. БМТ маълумотларига кўра инсонлар ҳар йили ўзининг ерга эътиборсизлиги туфайли қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган 10 млн. гектардан ортиқ ердан[5] маҳрум бўлмоқда.

Лекин шуни айтиш керакки, Республикаизда ҳам XX асрнинг охирларида “Ўзбекқишлоқхўжкимё” омборларида сақлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги зааркунандаларига қарши курашиш учун фойдаланиладиган муддати тугаган заҳарли кимёвий моддаларни кўмиш билан боғлик долзарб муаммо мавжуд эди. Бундай мисолларни республиканинг барча худудлари каби Фарғона водийси вилоятларида ҳам кўриш мумкин эди. Биргина, Фарғона вилоятида фермер хўжаликларида фойдаланиш тақиқланган ва муддати ўтган 1000 тоннадан зиёд[6] пестицидлар тўпланганлигини мисол сифатида айтиш мумкин.

Худди шунга ўхшаш ҳолат Наманган вилоятида ҳам қишлоқ хўжалиги худудларининг пестицидлар билан ифлосланиши ва кимёвий моддаларни йўқ қилиш билан боғлик жиддий муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг 1413тонна[7] си Тўракўрғон “қабристон”ида тўпланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 октябрдаги 11/26-10-сонли қарори билан боғлик тақиқланган ва муддати ўтган кимёвий моддалардан фойдаланиш, кўплаб экологик муаммолар, шу жумладан, заҳарли кимёвий моддаларни кўмиш каби масалалар кун тартибидан олиб ташланди. Фарғона, Самарқанд, Хоразм ва Наманган вилоятларининг заҳарли кимёвий моддалар қабристонларида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ҳайъатининг 1993 йил 29 июлдаги 6/06-сонли қароридан кейин, “Экологик жиҳатдан кескин бўлган марказларини текшириш тўғрисида” қарорида минтақа табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари томонидан қатъий назорат ўрнатилди, бу борада экологик вазиятни яхшилашга қаратилган комплекс дастурлар ишлаб чиқилди. Тупроқ, ҳаво ва эр ости сувларининг ифлосланиши устидан назорат мунтазам равишда олиб борилмоқда[8].

Фарғона водийси вилоятларида, Сирдарё, Хоразм вилоятлари худудларида тупроқнинг ДДТ (хлороорганик пестицидлар) билан ифлосланиши меъёрдан ошиб, ҳавфли моддаларнинг максимал рухсат этилган меъёрдан (РЭМ) 3-6 гача бўлган[9]. Бундан кўриш мумкинки бу худудларда ДДТнинг кўрсаткичи анча юқори бўлган.

1995 йилда ДДТ миқдори бўйича тупроқнинг ифлосланиш даражаси 1994 йилга нисбатан деярли ўзгармади. Лекин, Фарғона водийси, Сирдарё, Хоразм вилоятларида меъёрдан ошиб кетади ва бу кўрсаткич 3,6 рухсат этилган меъёрдан (РЭМ) ортган, Тошкент, Жizzах ва Навоий вилоятларида 1,3-2,4 РЭМ ичida ўзгариб туради. Фарғона шаҳри атрофида намуна олинган тупроқларда, деярли нефт маҳсулотлари миқдори ошган[10].

Республикада пестицидларнинг мавжуд 684 омборидан атиги 50% га яқин типик ва 179 та омборда (ёки 26%) санитария сертификатлари мавжуд. Оддий омборлар, одатда, капитал таъмирланмаган, уларнинг жойлаштирилган бинолар XX асрнинг 60-70 йиллардаги бинолардир.

Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг заҳарли қабристонларнинг атроф-муҳитга бевосита таҳдид солувчи обьектлар сифатида алоҳида мақом бериш тўғрисида бир неча бор берган кўрсатмаларига қарамай, кўпгина қўмиталар улар устидан самарали назоратни таъминламайдилар. Республикада курилиш қоидалари ва

17Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND
SOCIAL SCIENCES**

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 5 2021

қоидалари, экологик хавфсизлик талаблари бузилган ҳолда иқтисодий усулда курилган 13 та заҳарли қабристон бор.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис кенгашининг 1997 йил 26 марта қабул қилинган қарорида қайд этилган жиддий камчиликлар бартараф этилмаган. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича фаолият миллий режаси лойиҳасини ишлаб чиқишни тезроқ ниҳоясига етказиш талаб этилади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўла даражада фаолият кўрсатмаган, маҳсус ваколат берилган назорат органларининг ҳам, тармоқ вазирликлари ва идораларининг ҳам фаолияти етарли даражада мувофиқлаштирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис кенгашининг тупроқнинг заарли кимёвий моддалар билан ифлосланишини бартараф этиш, сув объектлари ифлосланиши ва қуриб қолишини олдини олиш устидан назорат кучайтириш, аҳоли пунктларида ичимлик суви сифатли бўлишини таминлаш, сувни муҳофаза қилиш зоналари ва минтақалари режимига катъий риоя этиш, Ўзбекистоннинг кичик дарёларини муҳофаза қилиш юзасидан қўйган талаблари тўлиқ ҳажмда бажарилмаган[11].

1995 йилда пестицидлардан фойдаланишни қисқартириш натижасида республиканинг айрим худудларида тупроқнинг ифлосланиш даражаси факат ДДТ ва унинг метаболитлари учун ошди. Фарғона вилоятида бу 7,5 РЭМ, Андижон - 4,0 РЭМдан ортиқ эди. Фарғона водийсида ерларнинг шўрланишининг ўсиш тенденцияси кузатилди[12].

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Наманган вилоятининг Тўракўрғон туманида 1967 йили ташкил этилган заҳарли химикатлар қабристони талабга жавоб бермай қолгани, аҳоли яшаш манзилгоҳига яқинлиги сабабли уни иш фаолияти тўхтатилди ва санитария муҳофаза зonasи ажратилиб ихотазорлаштирилди[13]. Заҳарли кимёвий дорилар кўмилган қабристонлар усти соз тупроқлар билан гидроизоляция қилинди. Ушбу қабристонда мавжуд нормаларга зид ҳолда сақланаётган 180 тонна бутифос ва 18 тонна метильмеркамтафослар янгитдан қуриб битказилган маҳсус бетон бункирга кўчирилди[14].

Наманган вилоятида жами: 40 та қишлоқ хўжалик аэроромлари бўлган ер майдонлари мавжуд бўлиб, шундан 35 та муқаддам қишлоқ хўжалик аэроромларининг заҳарланиш даражаси аниқланган ва уларга экологик паспортлар ишлаб чиқилган. Аэроромларнинг жами ер майдони 348,63 гектарни ташкил қиласди. Шундан 137,95 гектар ер майдони заҳарли моддалар билан кам ва ўртacha даражада ифлосланган. Бу ер майдонларида ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томондан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган раҳбарлик хужжатларига асосан фойдаланиб келинган. 34,9 гектар ер майдони заҳарли моддалар билан кучли ва ўта кучли даражада ифлосланганлиги учун вилоят ҳокимлигининг кўрсатмасига асосан, туман ҳокимлари томонидан қишлоқ хўжалик оборотидан чиқарилиб, захира ерлар таркибига ўтказилган[15].

Вилоят бўйича минерал ўғитлар ва пестицидлар қўпдан-қўп омборхоналарда уларнинг сифати, турлари, ёниши ва бошқа хусусиятларини хисобга олинмай очик майдонларда сақланган[16].

Мисол учун, 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Наманган вилояти табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Наманган вилояти

18Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 5 2021

Уйчи туманида жойлашган темир-бетон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхонага қарашли аввалги қишлоқ хўжалиги аэророми жойлашган майдонда тупроқ ва қишлоқ хўжалиги экинлари таркибида хлорорганик пестицидларни аниқлаш учун текшириш ўтказди[17]. Аниқланишича, аввалги қишлоқ хўжалиги аэророми ўрнида болалар боғчаси, туарар-жой бинолари жойлашган ерларда қолаверса, шоли, мош, булғор қалампири каби экинлар таркибида ҳам пестицидлар миқдори юқорилиги ва ҳудуднинг экологик ҳолати аниқланган.

Бундан ташқари, күёш нурини тўғридан-тўғри тушиши натижасида ифлосланган ҳаво билан шу ҳудудда жойлашган болалар боғчасидаги боғча тарбияланувчилари, боғча ходимлари, темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ишчилари ва ҳудуд аҳолиси заарланаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Ўзбекистон гидрометеорология бош бошқармаси билан биргаликда 1993 йилнинг баҳор ва куз ойларида ўтказилган текширишлари, назорат нуқталридан олинган тупроқ намуналарининг таҳлили ва натижалари шуни кўрсатадики, вилоятнинг қатор хўжаликларида ДДТ моддасидан фойдаланиш меъеридан анча юқори (РЭМ 5 дан – 39,9 гача) экан. Бу хўжаликлар қаторига Ўзбекистон туманидаги F. Ғулом номли, “Пахтақайнар” жамоа хўжаликларида, Олтиариқ туманидаги Охунбобоев номли, “Нуробод” жамоа хўжаликларида заҳри қотилдан фойдаланиш миқдори анча юқорилиги аниқланди. Дефолиация даврида ишлатиладиган қишлоқ хўжалик аэроромлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Вилоятда кимёвий моддаларни қўллаш мақсадида 33 та қишлоқ хўжалик аэророми фаолият кўрсатиб келган. Уларнинг умумий майдони эса 300 гектарга яқинерни ташкил қиласди. Бу майдонларда катта миқдорда заҳри қотиллар сақланиб қолган.

Хўжаликларда кимёвий моддалар, минерал ўғитлар сақлаш қонун-қоидасига риоя қилинмаган ҳолда сақланиш натижасида автотранспорт техник камчиликлари ва бошқа турли сабаблар оқибатида кимё ва нефть маҳсулотлари билан ерлар ифлосланган[18].

Фарғона вилоятида 1996 йилга келиб 362 минг гектар майдонда дехқончилик қилинган. Суғориладиган майдонларнинг 220 минг гектари Катта Фарғона, Катта Андижон каналлари ва Сирдарё ўрамларида жойлашган. Бу ерларнинг қиялик даражаси оз бўлганлиги сабабли заҳ сувлар ер сатҳига нисбатан 1-2 метр чуқурликдагина жойлашган бўлиб, табиий шўрлангандир[19].

1996 йилда Фарғона вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига хизмат қилган 33 та эски аэрором майдонлари мавжуд бўлиб, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан маълум муддат ичидан улардан тупроқ намуналари олиниб, таҳлил қилинди ва таҳлил натижаларига караб тегишли чора-тадбирлар кўриб борилди. Вилоят қўмитаси томонидан ўтказилга таҳлиллар шуни кўрсатадики, баъзи хўжаликлардаги қишлоқ хўжалиги аэроромларида тупроқ хлороорганик пестицидлари (ДДТ, ДДЕ, ТКЦХ) каби заҳарли дорилар билан заарланган. Шунга қарамай, бу ерларга турли хил қишлоқ хўжалик экинлари экиб келинган. Энг ачинарли томони шундаки, қишлоқ хўжалиги аэророми бўлган ер майдонларидан аҳолига уй-жой қуриш учун томорқа сифатида ажтратиб бериленган. Ваҳоланки тупроқ намуналари таҳлил қилинганда бу ерларда тупроқ таркибидаги заҳарли кимёвий моддалар миқдори меъеридан 20,8 - 66 маротабагача юқори эканлиги аниқланган[20].

19Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 5 2021

Республикада пестицилар кўмилган 13 та пункт бўлиб, улар 604 гектар майдонни эгаллади. Бу ерларда дехқончилик қилиш таъкидланаган. Республика миқёсида маданли ўғитлар омбори 53 та бўлиб, улар Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятларида жойлашган. Ҳар йили икки маротаба (баҳор, куз) омбор атрофидан намуналар олиниб, унинг атроф-мухитга таъсири кузатиб борилган[21].

ДДТ препаратини қўллаш 1983 йилдаёқ таъкидланган бўлишига қарамай унинг тупроқ тарибида қолган қисми қийин эриганлиги сабабли узоқ муддатдан бери сақланиб келмоқда. 1991 йилда тупроқни ДДТ билан ифлосланиш концентрацияси 3,08 ни ташкил этган бўлса, 1994 йилда 2,77 ни ташкил этди. XX асрнинг 90 йиллари охирларида Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг таҳлилий кузатишлари натижасида тупроқнинг пестицид билан ифлосланиши Фарғона водийсининг Андижон ва Фарғона вилоятларида юқори бўлган[22].

1992 йилдаги ўрганишлар шуни қўрсатадики, Наманган вилоятида экин майдонларининг унумдорлик даражаси 2 баробарга (52% дан 26%) га камайди[23].

Ўтган асрнинг охирларида Наманган вилоятида кимёвий воситаларнинг ишлатилиши, сақланиши ва ташилиши устидан давлат назорати олиб борилган. Наманган вилоятида кимёвий воситаларнинг ишлатилиши, сақланши ва уларнинг ташилиши бўйича табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бажарилган давлат назорати тадбирлари қониқарли ҳолатда олиб борилмаган.

Фарғона вилоятида суғориладиган ерларнинг сифати ва уларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви кузатилди. Охирги 10 йилларда сифати ўртача даражадан паст бўлган ерлар 4%дан 17%га кўпайган. Шунга қарамай сифати яхши бўлган ерлар 8%дан, ўртача бўлган ерлар 14 фоизга камайди. Вилоятда ўрта ва юқори шўрланган ерларнинг майдони 1985 йилдан 1992 йилгача 24 минг гектарга кўпайган. Бу эса, 1,3 баробар. Шўрланмаган ерлар қарийб 50 минг гектарга қискарди[24].

Андижон вилоятининг Кўрғонтепа туманидаги Дардоқ жамоа хўжалигида 600 гектар, Кўштепа жамоа хўжалигида 100 гектар, Дўстлик жамоа хўжалигида 280 гектар, Султонобод жамоа хўжалигида 60 гектар ва Навоий жамоа хўжалигида 40 гектар пахта майдонларида август ойида ер ости сувлари чиқиб кетиши натижасида, техника билан фўзага ишлов бериш имконияти бўлмаганлиги учун пахта хосилдорлигига таъсир қўрсатди[25]. Сизот сувларнинг экин майдонларини эгаллаши натижасида хосилдорлик кескин камайди. Қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш билан боғлиқ муаммолар айниқса ёзинг иссиқ кунларига тўғри келади. 1999 йилда Андижон вилоятининг қатор туманлари ҳудди шундай муаммога дуч келган.

Андижон вилоятидаги ичимлик сувига яроқли ер ости сувлари заҳирасининг 3,3 фоизини Андижон вилояти ҳудудида ҳосил бўлади. Қолган ичишга яроқли бўлган сувнинг 96,7 фоизи эса қўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудида ҳосил бўлади[26]. 2002 йилдаги маълумотларга кўра Андижон вилояти бўйича ер ости сув заҳираларини аниқланган миқдори 1 млрд. 229 мин. м³ дан иборат бўлиб, унинг асосий қисми, Ўш-Аровон ер ости ичимлик суви манбаларида ҳосил бўлади. Вилоят ҳокимлигинини 2001 йил 10 декабрдаги 206-К сонли қарорига асосан “Ўш-Аровон” номли ер ости чучук ичимлик сувлари чиқадиган ҳудудларга алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудуд мақомини берилади[27].

20Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 5 2021

Лекин шунга қарамасдан, Андижон вилоятида кейинги беш йилда 122 минг гектар сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолати, 26 минг гектар ерни сув билан таъминлаш шароити яхшиланганни ҳам ютуқлар омили бўлмоқда. Шу даврда пахта майдонлари 8,2 минг гектарга ёки 8 фоизга қисқартирилиб, кўпроқ даромад берадиган мева-сабзавот ва полиз экинлари майдонлари кенгайтирилгани ҳам соҳа ривожида муҳим роль ўйнамоқда[28].

Маълумотларга қараганда, ўтган йилларда кўп миқдорда минерал ўғитлар, пестицидлар ва бошқа заарли моддаларнинг ҳар гектар ҳисобига 54,4 кг заарали модда тўғри келган. Натижада, пахта майдонларида экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатида пахта ҳосилдорлиги пасайиб, сифатсиз маҳсулот етиштиришга олиб келган. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган барча кимёвий воситалар тупроқда кадмий, хром ва бошқа оғир металлар миқдорини 2-3 баробарга кўпайишига олиб келади[29].

Андижон вилоятининг чўл ҳудудлари бўлган Улуғнор, Балиқчи, Бўз ҳамда адиролди минтақаси саналган Жалақудук, Асака, Андижон, Марҳамат ва Хўжаобод туманларида 20 минг гектарга яқин ернинг мелиоратив ҳолати ночор[30] бўлиб қолди. Ҳар уч йилда тозаланиб борилиши керак бўлган ички закан ва зовурларнинг чопилмаслиги билан заҳ сувни ташқарига чиқарип юбориш муаммо бўлиб қолди. Маълумотларга кўра, Наманган вилотида 279 минг гектардан ортиқроқ сугориладиган ерлар мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда ушбу ерлардан 34 минг гектарини мелиоратив ҳолати ёмонлашган[31].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 29 октябрдаги Фармони айнан юкоридаги каби ҳолатни олдини олиш учун хуқуқий асос бўлди дейиш мумкин.

Андижон вилоятида шу мақсадда 2008-2012 йиллар учун дастур ишлаб чиқилди. Биргина 2008 йилнинг ўзида 1920 км узунликдаги зовур тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш, 75 километрга яқин ёпиқ-ётиқ дренажларни ювиш, 20 та сув ўлчаш қурилмаларини, 13 та қувурли ўтиш жойларини, 256 та кузатув қудуқларини, 123 та тик мелиоратив насос станцияларини таъмирлаш ишларини 47 та лойиха асосида амалга ошириш режалаштирилган. Бу аввалги йилларда қилинган ишларга нисбатан 4-5 баробар зиёддир. Мелиоратив ҳолати ёмон бўлган Улуғнор туманидан бошлаб вилоят бўйича изчил давом эттириш учун қатор ишлар амалга оширилди.

Умуман олганда, Андижон вилоятининг ўзида 2008-2012 йиллар учун ишлаб чиқарилган дастурга мувофиқ вилоятда 29 миллиард 992 миллион сўмлик[32] мелиоратив ишлар бажарилиши кўзда тутилган эди.

Фарғона водийси тоғ ёнбағирлари, адирлар ва ёйилмаларнинг шағалли қисмларида сугориладиган ерларни кенгайтирилиши, дренаж қудуқлари ва зовурларнинг самарадорлигини паст бўлиши, дарё ёйилмаларининг ер ости сув мувозанатидаги ўзгаришлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашишига олиб келди. Натижада 1990 йилдан 2000 йилгача бўлган давр мобайнида шўрланган ерлар майдони Фарғона вилояти бўйича 3,7 баробарга ортиб кетди. Фарғона вилоятида шўрланган ерлар 73,8%ни, шундан кучли шўрланишга учраган ерлар 14,5%ни ташкил этган[33].

21Copyright © Author(s). This article is published under the Creative Commons Attribution (CC BY 4.0) licenses. Anyone may reproduce, distribute, translate and create derivative works of this article (for both commercial and non-commercial purposes), subject to full attribution to the original publication and authors. The full terms of this license may be seen at <https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/legalcode>

INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND SOCIAL SCIENCES

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss> Vol 1, Issue 5 2021

- Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Хулоса ўрнда шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлигини таъминлаш стратегияси шахснинг, жамият, давлатнинг ва Конституцияда белгилаб берилган экология соҳасидаги хаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, яъни: аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун энг зарур экологик шарт-шароитларни яратиш; экологик вазиятни барқарорлаштириш, авлодларнинг жисмонан ривожланишига эришиш; минтақаларда барқарор ривожланиш ва барқарор экологик вазият, соғлом турмуш тарзини шакллантириш; иқтисодиётнинг устувор тармоқларида юқори даражадаги илмий-техникавий тараққиётни таъминлашдан иборатdir.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. Andijon nomi № 27. 2008 yil 26-mart.
2. https://yaznanie-ru.translate.google.com/t6ch2QaD?_x_tr_sl=uz&_x_tr_tl=ru&_x_tr_hl=ru&_x_tr_pto=sc.
Мурожаат қилинган сана: 02.10.2021 йил.
3. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси жорий архиви (НВТМҚБЖА). Вилоят сув захираларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш инспекциясининг 2013 йилдаги ҳисоботи. Наманган: 2014. – Б. 3.
4. https://yaznanie-ru.translate.google.com/t6ch2QaD?_x_tr_sl=uz&_x_tr_tl=ru&_x_tr_hl=ru&_x_tr_pto=sc.
Мурожаат қилинган сана: 02.10.2021 йил.
5. Saidmuratov Sh., Karakulov N.M., Ergashboyeva N.N. O’zbekiston tuproqlarining kimyoiy ifloslanishi va ularning muhofaza qilish yo’llari / География ва география таълимиидаги муаммолар Республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияси материаллари. 30 май. 2018. – Тошкент: – В. 151.
6. ЎзР Миллий Давлат Архиви (МДА), М-114-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 47-варақ.
7. ЎзР МДА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 48-варақ.
8. ЎзР МДА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 59-иш, 20-варақ.
9. ЎзР МДА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 24-варақ.
10. ЎзР МДА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 67-варақ.
11. ЎзР МДА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 153-иш, 136-варақ.
12. ЎзР МДА, М-114-фонд, 1-рўйхат, 127-иш, 201-варақ
13. ЎзР МДА, М-114 фонд, 1 рўйхат, 58-иш, 88-89-варақлар.
14. ЎзР МДА, М-114 фонд, 1 рўйхат, 58-иш, 89-варақ.
15. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси жорий архиви (НВТМҚБЖА). Вилоят ер захираларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш инспекциясининг 2014 йилдаги ҳисоботи. Наманган: 2015. – Б. 4.

**INTERNATIONAL JOURNAL OF PHILOSOPHICAL STUDIES AND
SOCIAL SCIENCES**

ISSN-E: 2181-2047, ISSN-P: 2181-2039

<http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss>

Vol 1, Issue 5 2021

16. ЎзР МДА, М-114 фонд, 1 рўйхат, 9-иш, 13-варак.
17. ЎзР МДА, М-114 фонд, 1 рўйхат, 71-иш, 269 -варак.
18. Фарғона ҳақиқати 1994 йил 10 июнь. 48 № сон.
19. Фарғона ҳақиқати 1996 йил 9 январь. 4 № сон.
20. Фарғона ҳақиқати 1996 йил 4 июнь. 65 № сон.
21. Экология хабарномаси 1998 йил 5-6 сон.
22. Экология хабарномаси 1998 йил 5-6 сон.
23. ЎзР МДА, М-114 фонд, 1 рўйхат, 27-иш, 24 варак.
24. ЎзР МДА, М-114 фонд, 1 рўйхат, 10-иш, 53 варак.
25. Андижон вилояти давлат архиви 734-фонд, 1-рўйхат, 995- иш, 14-варак.
26. Андижон вилояти давлат архиви 734-фонд, 1-рўйхат, 1584- иш, 13-варак.
27. Андижон вилояти давлат архиви 734-фонд, 1-рўйхат, 1584-иш, 16-варак.
28. Andijonnomma № 90. 2016 yil 5-noyabr.
29. Andijonnomma № 26-27. 2012 yil 28-mart.
30. Andijonnomma № 27. 2008 yil 26-mart.
31. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси жорий архиви (НВТМҚБЖА). Вилоят сув заҳираларини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш инспекциясининг 2013 йилдаги ҳисботи. Наманган: 2014. – Б. 3.
32. Andijonnomma № 27. 2008 yil 26-mart.
33. Абдуғаниев О. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ташкил этишнинг геоэкологик жиҳатлари (Фарғона вилояти мисолида) География фанлари номзод дисс... – Фарғона: 2008. – Б. 77.